

РЕСПУБЛИКА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҒИ ЯНА ОБЛАСТИМИЗ ПАХТАКОРЛАРИ ҚЎЛИДА

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-НИЛ ЧИҚИШИ.

№ 193 (4399).

2

ОКТАБРЬ

ШАНБА

1971 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ОБЛАСТЬ ПАХТА ХИРМОНИГА КИМ ҚАНЧА ҲИССА ҚЎШДИ

(1 ОКТАБРГАЧА)

ОҚҚҮРҒОН	48219 ТОННА,	БҮКА	25563 ТОННА,
ЎРТА ЧИРЧИҚ	40393 ТОННА,	ПИСКЕНТ	21912 ТОННА,
ЯНГИЙЎЛ	32975 ТОННА,	ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ	18309 ТОННА.
БЕКОБОД	28288 ТОННА,		

ИЛҒОРЛАРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети пахта тершиш ва давлатга сотиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик муносабатининг 1971 йил сентябрийнинг учинчи ўн кунлигидаги якунларини қараб чиқди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи Сирдарё областига берилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА қолдирилди. (Область партия комитетининг секретари ўртоқ М. М. МУСАХОНОВ, область икромия комитетининг раиси ўртоқ С. А. АСОМОВ, область қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Т. ОРТҚИХУЖАЕВ, совхозлар трестининг директори ўртоқ Б. А. АРАКЕЛАН, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ Т. ОТАМЕТОВ, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ С. Д. КИСЕЛЕВ, область сугориш системаси бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Б. У. УСМОНОВ, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ О. У. ИСҚОҚОВ). Бу область пахта тайёрлаш йиллик планини 63,69 процент, шу жумладан, машина терими планини 61,55 процент бажарди ва сентябрийнинг учинчи ўн кунлигида планининг 37,95 проценти миқдорда пахта тайёрланишини, шу жумладан, машина терими планини 39,98 процент бажарилишини таъминлади.

Андикон ва Наманган областларида йилгитери ва пахта тайёрлаш ишлари яхши бораётганлиги таъминлади.

Кўчма Қизил байроқ ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИГА (район партия комитетининг секретари ўртоқ И. И. ЛАДУШКИН, район икромия комитетининг раиси ўртоқ Э. ИКРОМОВ, район икромия комитети қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи ўртоқ С. ТАЙМЕТОВ, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошлиғи ўртоқ И. И. НАРИМОВ, район сугориш системаси бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Р. АБДУЛЛАЕВ, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ И. И. ИХМАТОВ) берилсин. Бу район пахта тайёрлаш йиллик планини 81,16 процент, шу жумладан, машина терими планини 125,65 процент бажарди ва сентябрийнинг учинчи ўн кунлигида планининг 51,86 проценти миқдорда пахта тайёрланишини, шу жумладан, машина терими планини 83,70 процент бажарилишини таъминлади.

Кўчма Қизил байроқ ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ ОҚҚҮРҒОН РАЙОНИГА (район партия комитетининг секретари ўртоқ С. М. ТОИРОВ, район икромия комитетининг раиси ўртоқ Б. И. БУҲУРОВ, район икромия комитети қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи ўртоқ А. СОМОНАЗАРОВ, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ В. П. РОҒАЧЕВ, район сугориш системаси бошқармасининг бошлиғи ўртоқ В. Т. КУРИЛЕНКО, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ А. ХУНАҚУЛОВ) берилсин. Бу район пахта тайёрлаш йиллик планини 65,07 процент, шу жумладан, машина терими планини 65,55 процент бажарди ва сентябрийнинг учинчи ўн кунлигида планининг 45,80 проценти миқдорда пахта тайёрланишини, шу жумладан, машина терими планини 48,69 процент бажарилишини таъминлади.

Кўчма Қизил байроқ Сурхондарё областининг Жарғуғон районига ва Сирдарё областининг Дустлик районига қолдирилди.

Кўчма Қизил байроқ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ОҚҚҮРҒОН РАЙОНИДАГИ «Ўзбекистон ССР беш йиллик» совхозига (директори ўртоқ Ж. Х. ХОНАЗАРОВ, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Х. ҒАҒУРОВА, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ А. АЛИЕВ, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ С. КИМ) берилсин. Бу совхоз пахта тайёрлаш йиллик планини 67,88 процент, шу жумладан, машина терими планини 74,42 процент бажарди ва сентябрийнинг учинчи ўн кунлигида планининг 59,63 проценти миқдорда пахта тайёрланишини, шу жумладан, машина терими планини 68,43 процент бажарилишини таъминлади.

Шунингдек кўчма Қизил байроқ Дустлик районига К. Раҳимов номи совхозга, Андикон область Бўз районига «Партия XX-съезди» колхозига берилди.

Ўзбекистон КП область комитети ва область икромия комитети районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик муносабатининг 1971 йил сентябрий ойи олтинчи беш кунлиги якунларини қараб чиқиб, ҚАРОР ҚИЛДИЛАР.

Область партия комитети ва область икромия комитетининг кўчма Қизил байроғи ПИСКЕНТ РАЙОНИГА (район партия комитетининг секретари ВОХИДОВ, район икромия комитетининг раиси ДУСТБЕКОВ, район комсомол комитетининг секретари ЖУРАХОЛОВ, район икромия комитети қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи ХАЛИЛОВ, «Узсельхозтехника» район бошқармаси бошлиғи вазири бажарувчи КИМ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш бош инспектори АБДУХАЛИЛОВ ўртоқлари) берилди. Район мавсум бошидан бери йиллик планининг 70,02 проценти миқдорда пахта тайёрлаш. Шу жумладан, машина терими планини 60,46 процент бажарилишини таъминлади ва беш кунлида 19,23, шу жумладан, машина теримида 17,50 процент ўсшига эришган.

(Давомий иккинчи бетда)

ҒАЙРАТ ҚИЛ, АЗАМАТ ПАХТАКОР!

Меҳнат ғалабангиз муборак, лафзи ҳалол, фидокор, азамат пахтакор ўртоқлар! Сиз ғолиблик чўққисига чиқиш учун кечани-кеча, кундузи-кундуз демай тер тукиб меҳнат қилдингиз. Ғайратингиз, шижоатингиз, фидокорлигингиз мана бугун ҳаммаининг қалбидини қувонтирмоқда.

Мардлар майдонда синалади, дейди халқимиз. Бугун пахта даласи мардлар майдони. Пахтачиликка бўлган муҳаббатининг, жушқин садоқатининг, бу ишга қўшадиган ривожининг ҳосил тақдирини ҳал этилаётган поёнсиз пахтазорларда намойиш қилишимиз керак. «Оқ олтин» учун кураш фронтида жавлон ураётган, тонна-тонна пахталарни баҳодирона елкасида даст қўтариб эл бойлигини қўлайтираётган ғолиблар мадҳини қанча тарафнам қилсак ҳам оз. Қудратли машиналарини кеча-кундуз тиндирмай ғалаба манзили томон айл одим ташлаб бораётган меҳнаткорлар, тонгини қутлаб далаларга чиқаётган лобар теримчилар олтин коча чаноқлардан дур тўплаш ишларида маржон-маржон тер тукиб меҳнат қилмоқдалар.

Ғолибларга аталган Қизил байроқ яна қўлимизда экан, у пахтакор ва механикаторларнинг янги, улкан ютуқларга чорлайди. Қалбига шижоат, бидлига куч, белига кўват бағишлайди. Осмонупар хирмонлар уюшда уларга ғайрат-фидокорлик бахш этади.

Зафар шўъласи ҳаммаша йўлимизни мунаввар қилиб турсин, янгида янги ютуқларга бошловчи ёруғ юлдуз бўлсин.

Поёнсиз далаларда «оқ олтин» чамани дилларини қувонтирмоқда, ҳаммамизни ўша жидал теримга чорламоқда. Мардоналигимиз, Ватанга садоқатимиз, меҳнат ва билимимиз, моҳирлигимиз пахта даласида намойиш бўладиган долларб вақт келди. Ешувари, эру-аёл

торлар, тонгини қутлаб далаларга чиқаётган лобар теримчилар олтин коча чаноқлардан дур тўплаш ишларида маржон-маржон тер тукиб меҳнат қилмоқдалар.

Ғолибларга аталган Қизил байроқ яна қўлимизда экан, у пахтакор ва механикаторларнинг янги, улкан ютуқларга чорлайди. Қалбига шижоат, бидлига куч, белига кўват бағишлайди. Осмонупар хирмонлар уюшда уларга ғайрат-фидокорлик бахш этади.

Зафар шўъласи ҳаммаша йўлимизни мунаввар қилиб турсин, янгида янги ютуқларга бошловчи ёруғ юлдуз бўлсин.

Поёнсиз далаларда «оқ олтин» чамани дилларини қувонтирмоқда, ҳаммамизни ўша жидал теримга чорламоқда. Мардоналигимиз, Ватанга садоқатимиз, меҳнат ва билимимиз, моҳирлигимиз пахта даласида намойиш бўладиган долларб вақт келди. Ешувари, эру-аёл

далага чиқсин. Қўлимиздаги Қизил байроқни маҳкам тутган ҳолда ғалаба манзили сари дадил одим ташлайлик.

Шаҳарлик биродарлар, ишчилар, хизматчилар, районлар марказидаги ватандарвар дўстларимиз, бугунги ютуғимизда сизларнинг ҳам муносиб ҳиссанинг борлиги, шаҳар билан қишлоқлар ўртасидаги мушаккам алоқаларимизнинг ёрқин тимсолидир. Биз шунинг учун ҳам сизларга қалб ташаккурларимизни наҳор этамиз.

Машиналар яна ҳам унумли ишласин, теримчилар бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўра кўпроқ пахта терсинлар. Пункт йўлида саф тортиб бораётган машиналар карвонининг ҳаракати бундан ҳам тезлашсин. Суръатга қанот боғлайлик!

Республика кўчма Қизил байроғи янги зафарларга ёр бўлсин!



БҮКА районидagi

Ҳамза номи колхозда

машиналар унумли

ишлаб, кунига тўрт


беш тоннадан «оқ ол

тин» терилмоқда. Су

ратда: машиналар ко

лоннаси далада.

А. Абалян фотоси.



ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

РЕСПУБЛИКАДА БОҒДОРЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қайд қилдиларки, республика колхозлари ва совхозлари ўтган беш йилликда КПСС XXIII съезди қарорларини бажара бориб, боғдорчиликни ва узумчиликни ривожлантиришда бир мунча муваффақиятларга эришдилар. Боғ — тоқзорлар майдони кенгайди, шу йиллар давомида аввалги беш йилликдагига қараганда кўпроқ мева ва узум етиштирилди. Янги боғ ва тоқзорлар катта-катта майдонларини эгаллади, районлаштирилган яхши сортлардан кенг фойдаланилди, мевали дарахтлар ва тоқзорлар етиштириш қўлайди ҳамда уларнинг сифати анча яхшиланди.

Буларнинг ҳаммаси аҳолини мева ва узум билан таъминлашни яхшилашга, маҳсулотни қайта ишлаш саноатининг хом ашё базасини мустаҳкамлашга имкон берди. Шу билан бирга, боғдорчиликни ва узумчиликни ривожлантириш юзасидан 1966—1970 йилларга белгиланган

баъзи тошпирлиқлар бажарилмади қолди.

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, айрим хўжалиқларнинг раҳбарлари боғ ва тоқзорлар майдонини кенгайтириш ҳамда ҳосилдорлигини оширишга етарли эътибор бермай келаётдилар. Боғ ва тоқзорлар майдонини планда қўйиб тўтиладиган нам. Узумнинг ҳосилдорлиги паст. Фарғона областининг колхозларида узум ҳосилдорлиги 1970 йили гектар бошига 21,5 центнерни, Хоразм областида — 21,4 центнерни, Бухоро областида — 24,6 центнерни, Қашқадарь областида — 30,9 центнерни ташкил этди. Ҳатто ҳосил йили бўлган 1970 йилда Бухоро области колхозларида ҳар гектар ердан йиғиштириб

олинган мева 8,5 центнерни, Фарғона областида — 11 центнерни, Самарқанд областида — 19,2 центнерни ташкил этди.

Қўлгина колхоз ва совхозларда мевали дарахтлар ейрак, дарахтларга шакл бериш ҳамда тоқзорлар кесин сифатсиз ўтказилмоқда, қишлоқ хўжалик зараркундалари ва касалликларига қарши кескин чоралар қўрилмаётди. Оқибатда боғ ва тоқзорларга катта зарар етказилмоқда.

Бир қатор хўжалиқларда мевали дарахтлар ва уларнинг ҳосиллиги ҳисобга олиш йўлга қўйилмаган, дарахтларни системали равишда инвентаризация қилиш ҳамда паспортиштириш олиб борилмади, маҳсулотни ҳисобга олиш ҳамда

уни сарфлаш устидан назорат йўқ.

Тоғ-тоғолди зоналари, айниқса Самарқанд ва Сурхондарё областларида боғ ва тоқзорлар барпо этиш учун қишлоқ равишда ўзлаштирилмоқда. Ўзбекистон, Чуст, Депо, Бойсув ва қатор бошқа районларда ёнғоқ, болом ва шунга ўхшаш меваларни етиштириш учун майдонларни кенгайтириш мақсадида қўлай шартроҳлардан етарли фойдаланилмаётди.

Боғдорчилик ва узумчиликда механизация даражаси паст бўлганили оқибатида меҳнат унумдорлиги ҳам кўтарилмаётди. Агар илгир хўжалиқларда бир центнер маҳсулотга кетган меҳнат ҳаражатлари 1-2 киши кунини ташкил эта-

ётган бўлса, айни вақтда республикада сўнгги беш йил давомида ўртача 5-6 киши кундан иборат бўлиб қолди.

«Узсельхозтехника» бирлашмаси колхоз ва совхозларни боғ-тоқзорларда ишлайдиган тракторлар ҳамда машиналар билан ва айниқса уларга керак бўладиган эҳтиёт қисмлар билан етарли таъмин этмапти. Янги машиналарни сўст жорий қилмоқда. Мевали дарахтлар ва тоқзорларни парвариш қилиш, ҳосиллини йиғиштириб олиш ҳамда уни реализация қилишга тайёрлаш учун қўл инвентарлари ҳам етарли эмас.

Тоқларни ишқом қилиб қўтаришга эътибор берилмаётди. Республикада мавжуд бўлган 57 минг гектар тоқзордан 22

ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИГА БОРАЁТГАН СОВЕТ ПАРТИЯ-ХУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТОШКЕНТДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитети Сийёсий Бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний бошчилигида Вьетнам Демократик Республикасида дўстона визит билан бораётган совет партия-хукумат делегацияси 1 октябрда Тошкентдан жўнаб кетди.

Делегация составида — КПСС Марказий Комитети Сийёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Ма-зуров, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Ка-тушев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Н. Новиков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. А. Скачков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, армия генерали С. Л. Соколов, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. П. Фирюбин, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари И. Т. Гришин, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, СССРнинг Вьетнам Демократик Республикасидаги аълиси И. С. Шербаков бор.

КПСС Марказий Комитети Сийёсий Бюроси аъзолигини кандидат, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети бюро аъзолари С. Е. Белоножко, А. Д. Бесчастнов, П. Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, Т. Н. Осетров, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига лавдатлар Н. Махмудов, С. Р. Ра-сулов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдуллин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Х. Абдуллаев, Г. А. Габриелияц, А. Р. Хўнаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Х. М. Пўлатова ва республиканинг бошқа раҳбар ходимлари делегацияни Тошкент аэродромидан кузатиб қўйдилар.

(ЎЗАТАГ).

минг гектари ишқомларга қўтарилмаган ётибди. Бу ёш ва энди ҳосилга киряётган тоқзорларнинг ишқомларга қўтарилмаганини узумчиликни механизациялаштириш, ривожлантириш ва меҳнат унумдорлигини оширишга халатир бермоқда.

Мева ва узумни қишлоқ сарфлаш масалалари тўла ҳал қилинган йўқ. Бу шаҳар ва саноат марказлари аҳолисини йил давомида мева ва узум билан таъминлаб туриш имконини бермаётди.

КПСС XXIV съезди халқ моддий фаровонлигини янада ошириш, мева ва узум мўл-кўлигини вужудга келтиришга чакирди. КПСС XXIV съезди қарорларига амал қилиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети мева ҳамда узум етиштириш кескин қўлайтириш мақсадида резерв ва имкониятлардан тўла-тўқис фойдаланишни партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг, колхоз ва совхозларнинг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблайдилар.

(Давомий 2-бетда)

A black and white photograph showing a group of people in a social gathering. In the center, a woman in a dark dress holds a large bouquet of flowers. To her left, a woman in a striped shirt looks towards the camera. To the right, a man in a suit is partially visible. The background is slightly blurred, showing other people and what appears to be an outdoor or semi-outdoor setting.

ОЛТИН ВОДИЙ БАҲОДИРЛАРИ

ТУТАШ ДЕНГИЗЛАР

РАПОРТЛАР ПАРВОЗИ

Суратда: Пискент райондаги «Гулистон» колхозининг раиси (ўнгда) И. Ҳайдаров шу кунгача 170 тонна пахта терган моҳир механизатор М. Мусаев билан суҳбатлашмоқда. А. Абалин фотоси.

ГУЛИСТОН
ГУЛЛАРИ

ГУЛИСТОН
ГУЛЛАРИ

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА
ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ
ТЎҒРИСИДА 1 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН
МАЪЛУМОТ

К О Л Х О З Л А Р

К О Л Х О З Л А Р

Хужаликларнинг номи	Мавсум бошдан бери	Машина гериими	Қайси райондан
Ленни номили	105,81	118,00	Пискент
Охунбобоев номили	104,22	101,85	Урта Чирчиқ
Калинин номили	100,66	86,52	Пискент
«Партия XXII съезди»	97,46	100,23	Урта Чирчиқ
Ҳамза номили	94,77	89,63	Оққўрғон
«Ленинбод»	91,10	86,34	Оққўрғон
Икромов номили	88,33	101,92	Урта Чирчиқ
«Победа»	88,27	126,94	Бекобод
«Полиотдел»	88,15	115,14	Юкори Чирчиқ
Свердлов номили	86,59	97,99	Оққўрғон
«Москва»	86,36	101,58	Оққўрғон
«Ўзбекистон»	85,17	122,69	Юкори Чирчиқ
Терешкова номили	84,08	98,95	Урта Чирчиқ
«Ленинский путь»	82,69	116,07	Юкори Чирчиқ
«Заря коммунизма»	79,93	105,30	Оққўрғон
«Гулiston»	79,13	76,10	Пискент
«Правда»	78,48	244,75	Юкори Чирчиқ
Свердлов номили	78,24	109,83	Урта Чирчиқ
«Интернационал»	78,09	68,65	Янгиёлга
Свердлов номили	76,93	71,23	Урта Чирчиқ
Х. Олимжон номили	76,15	69,01	Оққўрғон
«Победа»	75,57	74,43	Оққўрғон
К. Маркс номили	74,62	80,07	Оққўрғон

«Коммунизм»	74,17	58,00	Оққўрғон
«Коммунизм»	73,90	65,20	Ўрта Чирчиқ
Тельман номли	73,75	53,00	Пискент
Навоий номли	72,78	68,06	Бекобод
Калинин номли	72,46	76,25	Оққўрғон
Оқубобоев номли	72,24	63,03	Оққўрғон
«Северный маяк»	71,70	99,15	Ўрта Чирчиқ
«Овоз»	70,97	63,71	Оққўрғон
Ленин номли	70,85	70,46	Ўрта Чирчиқ
Ямқул номли	70,53	64,34	Бўна
Ленин номли	69,24	85,05	Оққўрғон
Оқубобоев номли	69,22	50,04	Пискент
«Полтарная звезда»	68,74	60,65	Ўрта Чирчиқ
Киров номли	68,71	52,93	Янгийўл
Диктаторс номли	67,75	92,43	Оққўрғон
«Ленинбод»	67,57	60,17	Бўна
«Ленинизм»	66,82	60,07	Янгийўл
Навоий номли	66,80	58,75	Оққўрғон
«Ленинград»	66,76	77,53	Оққўрғон
Даржинский номли	66,33	80,10	Бекобод
Куйбисhev номли	66,33	61,27	Ўрта Чирчиқ
Фрунзе номли	65,99	59,48	Бўна
Ленин йўли»	65,97	54,02	Ўрта Чирчиқ
Куйбисhev номли	65,31	41,26	Оққўрғон
Свердлов номли	65,16	44,89	Пискент
«Октябрь 40 йиллиги»	64,65	45,33	Янгийўл
Войтищев номли	64,04	43,36	Оққўрғон
«Коммунизм»	62,27	18,33	Янгийўл
К. Маркс номли	62,24	56,67	Юкори Чирчиқ
«Партия XX съезди»	61,60	50,14	Бўна
К. Маркс номли	60,83	63,91	Ўрта Чирчиқ
«Коммунизм»	60,59	61,13	Бекобод
Ленин номли	60,58	46,51	Бекобод
Энгельс номли	60,19	53,07	Ўрта Чирчиқ
Энгельс номли	58,89	74,82	Оққўрғон
К. Маркс номли	58,85	17,61	Янгийўл
«Октябрь 40 йиллиги»	58,41	54,21	Бўна
Хамза номли	57,82	48,40	Бўна
«Ленин йўли»	57,80	52,77	Бўна
Киров номли	57,54	64,69	Оққўрғон
«Ленинизм»	57,44	51,00	Оққўрғон
«Коммунизм»	57,11	58,45	Бўна
Н. Ниязов номли	57,09	15,80	Янгийўл
«Партия XXII съезди»	55,98	40,19	Оққўрғон

Охунбоев номли	55,89	41,23	Янгийўл
«Гулистон»	55,83	47,67	Оққурғон
Карл Маркс номли	55,72	50,48	Бўка
«Партия XIX съезда»	54,63	47,44	Бўка
Калинин номли	54,27	63,07	Урта Чирчиқ
«Тошова»	53,85	48,37	Янгийўл
Калинин номли	53,78	13,31	Янгийўл
Навоий номли	53,52	25,42	Янгийўл
«Ленинизм»	52,39	49,31	Бўка
Идман номли	51,54	34,25	Янгийўл
Митрополит номли	51,29	53,95	Бўка
«Кизил октябрь»	50,23	18,37	Янгийўл
Мичурин номли	50,08	45,16	Бўка
Фрунзе номли	49,48	13,57	Янгийўл
С. Гаҳомов номли	46,67	32,21	Янгийўл
Эванде номли	46,42	38,16	Янгийўл
«Ўзбекистон ССР 30 йиллиги»	44,18	17,22	Янгийўл
Денин номли	43,91	12,83	Янгийўл
Турсункулов номли	43,19	11,44	Янгийўл
«Партия XXI съезди»	41,07	3,85	Янгийўл
Ильич номли	40,72	34,13	Бўка

С О В Х О З Л А Р

«Ленинград»	94,21	92,30	Бекобод
«Ўзбекистон ССР 5 йиллиги»	87,88	74,42	Оқдўғрон
Киров номи	66,32	69,47	Урта Чирчиқ
«Кукорол»	63,56	73,05	Бўка
«Коммунизм»	62,32	98,48	Оқдўғрон
1-«Пискент»	61,73	63,66	Пискент
Ойбек номи	58,80	54,60	Бекобод
2-«Пискент»	58,47	52,44	Пискент
Свердлов номи	55,69	4,52	Янгйўл
3-«Далварзин»	55,11	54,97	Бекобод
«Бўка»	54,03	64,34	Бўка
1-«Оқдўғрон»	53,21	51,16	Оқдўғрон
1 — «Далварзин»	52,81	39,45	Бекобод
2-«Далварзин»	52,18	41,82	Бекобод
«Партия XXIV съезди»	42,07	6,25	Янгйўл
Сегизбоев номи	36,23	41,38	Оқдўғрон
«Янгйўл»	29,44	12,80	Янгйўл

ПАХТАКОРЛАРГА МАДАНИЙ ХИЗМАТ

М. МИРСОДИҚОВ.

ОБЛАСТ РАЙОНЛАРИДА ЧОРВА ЎЗУККА ТАЙЯРЛАШ БУЎИЧА Ч		
ИЙЛ 1 ОКТЯБРЬГАЧА БУЎЛАН		
МА Ў Л У М О Т		
(Топаширинка нисбатан процент хисобидан)		
Виринчи стун — районлар,		
кинчи стун — силос, учинчи стун —		
қамқас хашан, тўртинчи стун —		
қамқас.		
Ўзбекистон	102,9	73,2
Белокбод	101,0	50,5
Вустонлиқ	77,3	49,5
Вўжа	114,2	53,8
Ўжори Чирчиқ	94,7	70,3
Калинин	97,4	48,0
Орзиковназё	75,4	78,2
Павлов	120,7	42,8
Урта Чирчиқ	81,1	46,5
Янгйўл	83,6	44,2
Область бўйича	82,8	60,3

